

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН БИР ОВОЗДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур резолюция нафақат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлангани, балки Шимолий Америка ва Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа қитъаларнинг 50 дан зиёд мамлакатлари билан ҳаммуаллифликда қабул қилинган эътиборга молик. Бу халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг долзарблиги ва ўз вақтида илгари сурилган таклиф эканининг юксак эътирофидан далолатдир.

Ҳаммуаллифлар қаторида Озарбайжон, Жазоир, Бахрайн, Беларусь, Гана, Миср, Хиндистон, Қозғистон, Канада, Қатар, Қирғизистон, Ливан, Марокаш, БАА, Ўмон, Покистон, Корея Республикаси, Россия, Саудия Арабистони, Сингапур, Судан, Тожикистон, Таиланд, Тунис, Туркменистон, Филиппин, Япония ва бошқа давлатларни қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган резолюцияда маърифатпарварлик гоясини илгари суриш қайд этилиб, сайёраимизда хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, мурося ва ўзаро ағлашунинг нечоғли муҳимлиги эътироф этилди.

Ҳужжатда динлар, маданиятлар ва

конфессиялараро муносабатлардаги уйғунликни рағбатлантириш ҳамда айрим шахсларга нисбатан дин ва эътиқодлар замиридаги камситишларга йўл қўйилишига қарши курашишга қаратилган барча халқаро, минтақавий ва миллий ташаббуслар қўллаб-қувватланади.

Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, ушбу ҳужжат барча аъзо давлатларнинг фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга доир сайъ-ҳаракатларини фаоллаштириш ва шу асосда:

а) бутун жамиятда турли дин ва эътиқодлар, уларнинг юрисдикцияси доирасида амал қилувчи турфа диний озчиликлар тарихи, анъаналари, тили ва маданияти ҳақида янада кенг билимларни тарғиб қилиш орқали таълим ва бошқа воситалар ёрдамида дин ва эътиқод эркинлигига доир барча масалаларда ўзаро ағлашув, бағрикенглик, камситишга йўл қўймаслик борасидаги сайъ-ҳаракатлар ва ҳурматни рағбатлантириш;

б) миллий ва халқаро даражада маданиятлараро ҳамкорлик ва тинчлик ўрнатишга қаратилган фаолиятнинг турли кўринишларини қўллаб-қувватлаш;

в) илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлашга ундайди.

Таъкидлаш жоизки, резолюциянинг

мақсад ва мазмуни БМТ доирасида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, жумладан, БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадлари, Дин ёки эътиқодлар замиридаги мурасасизлик ва камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги декларация, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг мавзуга доир анъанавий резолюциялари қондаларига тўлиқ мос келади.

Айни пайтда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ҳужжатда аъзо давлатларга миллий ва халқаро ОАВлар, жумладан, Интернет тармоғида кенг қўламли тарғибот ишларини йўлга қўйиш, бағрикенглик, зўравонликка барҳам бериш ҳамда дин ва эътиқод эркинлигига доир маърифий ахборот тарқатиш каби тегишли коммуникацион стратегияни жорий этиш таклиф қилинмоқда.

Ушбу ҳужжат инсон ҳуқуқлари, турфа дин ва эътиқодларни ҳурмат қилиш асносида барча даражада бағрикенглик ва тинчлик маданиятини рағбатлантириш мақсадида глобал мулоқотга қўмаклашишга доир халқаро сайъ-ҳаракатларни фаоллаштиришга ундашгани қайд этиш лозим.

Бундан ташқари, резолюцияда таълим, илм-фан, маданият воситасида миллатлараро ҳамкорликни кенгайтириш орқали ЮНЕСКОнинг дунёда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишдаги муҳим роли эътироф этилади.

Ўзбекистон резолюциясини қўллаб-қувватлаш мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси мажлисида Қувайт, Бирлашган Араб Амириклари, Марокаш, Ўмон, Озарбайжон, Панама, Европа Иттифоқи, бошқа қатор давлатлар делегациялари сўзга чиқиб, Ўзбекистонга ўта муҳим ва ўз вақтида илгари сурилган ташаббус, шунингдек, унинг матнини келиши бўйича норасмий маслаҳатлашувлар чоғида билдирилган очиқлик учун миннатдорлик изҳор қилди.

БМТ Бош Ассамблеяси мазкур резолюциянинг бир овоздан қабул қилиниши Президентимизнинг турли миллат ва конфессиялар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлаш, конфессиялар, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва асраш, юртимизда тинчлик ва тотувликни таъминлашга қаратилган ишчи ва пухта ўйланган стратегияси халқаро ҳамжамият томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир.

ЎЗА



• Андижон давлат университетида вилоят давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан вилоят прокуратураси, “Махалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими, Муслумлар идораси вилоят вакиллик, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида коррупция ва уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, ушбу иллат билан боғлиқ ҳолатларга нисбатан фуқаролар, кенг жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Марғилон шаҳрида Эркин Воҳидов номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқур ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб интернатида “Чингиз Айтматов – адолат ва ҳақиқат куйчиси” номли анжуман бўлиб ўтди. Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда шоир-ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

• Наманган Ёшлар марказида бўлиб ўтган конференцияда экологик сиёсий партия тузиш бўйича ташаббускорлар, экология ва соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари, экспертлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



• Франция ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, Страсбург шаҳрида террорчилик ҳаракатини амалга ошириб, уч кишининг ҳаётига зомин бўлган жиноятчи, илгари бандитизм моддаси бўйича қамалиб чиққан Шериф Шекет 700 дан ортиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари иштирокида ўтказилган махсус операция чоғида кеча полициячилар томонидан отиб ўлдирилди.

• Бундан 50 йил муқаддам Туркиядан АҚШга контрабанда йўли билан олиб кетилган ва ноқонуний тарзда харид қилинганидан сўнг Огайо штатидаги университетлардан бирида сақланаётган “Лўли жувон” номли мозаикалардан бирининг қисмлари олиб борилган давомли музокаралардан сўнг ватанига қайтариладиган бўлди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, “Ц” мавзеси, Меҳр кўчасида жойлашган “Ўзаноатқурилишбанк” АТБ Чилонзор филиалининг янги ишлаб чиқилган дизайн асосида бинонинг ички ва ташқи қисмларида мукамал таъмирлаш ишларини олиб бориш бўйича ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида батафсил маълумотларни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, “Ц” мавзеси, Меҳр кўчаси.
Телефонлар: (71) 276-55-82; (71) 276-67-86.
Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари охида 2 қаватли хатжилда жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
— 13-15 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратиши, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 15 декабрь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИК МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРНИНГ ИККИ ЙИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Александр ЛУКАШЕНКО, Беларусь Республикаси Президенти:

– Ўзбекистон билан ҳамкорликни янги босқичга чиқаришга қаратилган ҳелишувларни қўллаб-қувватлаймиз. Ва, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон – Беларусь ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда. Қисқа муддат ичида Ўзбекистон Президенти қўшни давлатлар билан алоқаларни яхшилашга эришди, халқаро майдонда ўзини муносиб тутмоқда, унинг Фарб билан ҳам, Шарқ билан ҳам муносабатлари аъло даражада.

Эммануэль МАКРОН, Франция Республикаси Президенти:

– Кейинги пайтда Ўзбекистон – Франция муносабатларида мутлақо янги ҳаёт кузатишмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштиришга катта қизиқиш билдираётганини юксак қадрлайман. Франция ва Ўзбекистонда ҳали фойдаланилмаган салоҳият катта. Ўзбекистон билан нафақат икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш ва кенгайтириш, балки халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган долзарб мавзулар, жумладан, терроризмга қарши кураш, иқлим ўзгариши каби масалалар юзасида муҳокамалар олиб бориш имконияти мавжуд.

Нурсултон НАЗАРБӘВ, Қозғистон Республикаси Президенти:

– Биз илдири бир халқимиз. Бутун тарих давомида бўлганидек мустақиллик йилларида ҳам бир-биримизни қўллаб-қувватлаганмиз. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил март ойида Қозғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожиди янги босқични бошлаб берди. Утган қисқа вақтда икки томонлама алоқаларда илгари кузатилмаган юқори натижаларга эришилди. Мамлакатларимиз иқтисодий бир-бирини тўлдирди. Қозғистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳалар бўйича кенгайтиришга тайёр.

Сооранбай ЖЭЭНБЕКОВ, Қирғизистон Республикаси Президенти:

– Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ўртасидаги давлат чегараларини дўстлик, яхши кўшнингчилик ва ҳамкорлик чегарасига айлантirdи. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқларимиз шундай келишувларга эришилишини кутган эди.

Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ, Туркменистон Президенти:

– Туркменистон ва Ўзбекистон тинчликсевар давлатлар, яхши кўшнилари сифатида танилган. Мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Туркменистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳалар бўйича кенгайтиришга доим тайёр.

Эмомали РАҲМОН, Тожикистон Республикаси Президенти:

– Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил март ойида Тожикистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз тарихида янги зарҳал саҳифа очди. Бу ташриф Тожикистон – Ўзбекистон муносабатларини қайта тиклади, барча соҳадаги комплекс масалаларни изчил ривожлантиришга кучли туртки берди. Шавкат Мирзиёевнинг самарали ташқи сиёсати тўғрисида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ошиб бормоқда.

Мухаммад Ашраф ҒАНИ, Афғонистон Ислон Республикаси Президенти:

– Афғонистон барча соҳаларда Ўзбекистон билан мулоқотни кенгайтиришдан манфаатдор. Президент Шавкат Мирзиёев кўрсатаётган ташаббус тўғрисида давлатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот изчил фаоллашмоқда.

Афғонистон масаласи бўйича Тошкентда йирик анжуман ўтказилгани учун халқимиз ва ҳукумати-миз номидан Ўзбекистон раҳбарияти, аҳлига чуқур миннатдорлик билдираман. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон масаласига шахсан эътибори сиёсий ечимларга йўл очди.

Антониу ГУТЕРРИШ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби:

– Бутун дунё бўйлаб умид эпкинлари кезиб юрибди. Бунга ижобий мисоллардан бири Ўзбекистондаги тинч сиёсий ҳокимият алмашинувидан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик кучайганидир. Бунга мен шахсан гувоҳ бўлдим.

Федерика МОГЕРИНИ, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили – Европа Комиссияси вице-президенти:

– Афғонистонда тинчликни таъминлаш минтақавий ҳамкорликни талаб қилади. Бу жараёнда Марказий Осиё ва унга қўшни мамлакатлар келишуви фоят муҳим масалалар. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсат Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Ва албатта, Ўзбекистон давлат раҳбарининг бу борадаги сайъ-ҳаракатларини Европа Иттифоқи ҳам қўллаб-қувватлайди.

Амина МУҲАММАД хоним, БМТ Бош котибининг биринчи ўринбосари:

– Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги иштирокини мамнуният билан ёдга оламан. Давлат раҳбари ўз чиқишида Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётгани, бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўл эканини таъкидлаган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, Афғонистонни қайта тиклашга қўмаклашиш бўйича кўрилатган аниқ чора-тадбирлар юқори баҳога эга. Тошкентда ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция бу масалага жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортгани, айниқса, диққатга сазовор.

Бандар ҲАЖАР, Ислон тараққиёт банки гуруҳи президенти:

– Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида аҳоли ҳаёт сифатини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт соҳаларида бўлиб борилган ишлар самара бермоқда. Бу натижалар мамлакатингиз билан ҳамкорликда инвестициявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишимизга янги туртки бермоқда.

Сирли МЮЛЛЕР, Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти:

– Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати янада эркинлашган, хусусан, банк-мобил, солиқ тизимидаги ўзгаришлар, валюта сиёсатининг либераллаштирилгани мамлакат иқтисоди-

дий имижини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон банки кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли шерикликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр.

Кэролин ЛЭММ, Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси, “Дўстлик” ордени соҳибаси:

– Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Америка – Ўзбекистон савдо палатасига аъзо компаниялар ўзбекистонлик шериклар билан икки томонлама ҳамкорлик бўйича имзоланган ағлашув меморандумлари асосида алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлигимиз 2017 йил сентябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги иштироки доирасида Нью-Йорк шаҳрида ўтган учрашувимиздан сўнг янги босқичга чиқди. Жорий йил май ойида Ўзбекистон давлат раҳбарининг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи чоғидаги музокаралар ҳам ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон билан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича салмоқли ҳужжатлар имзоланди.

Наталья ГЕРМАН, БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари:

– Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол минтақавий ташқи сиёсат олиб бораётгани иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан бирга, тарихан дўст ва қардош халқларни янада яқинлаштирмоқда. Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан чегараларидан ўтиб-қайтиш режими соддалаштирилиши, транспорт-логистика тармоғидаги ҳамкорлик кенгайтиб бораётгани, аввало, оддий одамлар манфаатига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ушбу мамлакатдаги аҳоли, хусусан, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича илгари сурилган ташаббусларни ҳам олқишлаш лозим.

Винод КУМАР, Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллод ва муҳтор элчиси:

– Ўзбекистон билан Ҳиндистон маданият алоқаларида яхши бир анъана шаклланган. Мамлакатларимизда байрамлар, нуфузли фестивалларда икки халқ вакиллари фаол иштирок этиб келмоқда. Жорий йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Шаҳрисабз шаҳрида илк бор ўтказилган Халқаро мақом санъати анжуманида ҳам Ҳиндистонлик санъаткорлар қатнашиб, ўзбек мақом санъатининг сеҳрли ва хуш оҳанглиридан баҳраманд бўлиш баробарида, маҳаллий халқ урф-одатлари, ҳунармандлик намуналари билан яқиндан танишди. Шунингдек, ҳар йили юртингизда ўтказилаётган “Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқоти давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, турли соҳалар бўйича муносабатларни изчил йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, икки мамлакатнинг кўп асрлик дўстона ҳамкорликка асосланган юксак даражадаги сиёсий ва дипломатик алоқалари янада юқори босқичга кўтарилмоқда.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА мухбири

